

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ФАРМОНИ**



**УКАЗ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “12” май

№ ПФ-544I

“\_\_\_” 20 г.

**Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш  
ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хукуқ ислоҳотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатганидек, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган хукуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг хукуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик килаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан:

**биринчидан**, суриштирув ва тергов органларининг айrim ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдига киришларига юзаки сабабларга кўра тўсқинлик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишининг амалдаги механизмлари адвокатлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатларининг самарали олдини олишни таъминламаяпти;

**иккинчидан**, адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар хукуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкилотларга йўллаётган сўровлари кўп ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокатнинг сўровини кўриб чиқишининг аниқ тартиби ва муддатлари, билатуриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган;

**учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика йиғиши билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортиқча бюрократиядан иборат бўлмоқда;

**тўртинчидан**, адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-хуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмаяпти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятидан ажратилмаганлиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**бешинчидан**, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини хисобга олмайди, бу эса адвокатлик касбининг ихтисослашувига салбий таъсир этмоқда;

**олтинчидан**, адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқишида салмоқли маъмурий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмоқда, натижада адвокатуранинг эркинлиги ва мустақиллигига путур етмоқда;

**еттинчидан**, билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўплаб учрамоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, професионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишида тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиши хуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камидан уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбор деб топиш тўғрисидаги айблов хукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичida Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма хабардор қиласи;

фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассисликлари бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун хужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди муентазам равишида ёки бир марта қўпол равишида бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича факат суд томонидан амалга оширилади;

адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такоран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилади.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган маҳсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг сухбатини учинчи шахслар эшлишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сакланиб қолиниши шарт;

адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобилъ ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳукуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарисида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак;

адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа хужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно;

адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳукуки асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларида амалга оширишлари мумкин, бунда ушбу турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб қуидаги тартибни жорий этган ҳолда ҳукукий маслаҳат хизматлари кўрсатувчи субъектлар доирасини кенгайтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин. Бунда қайд этилган ташкилотлар фуқаролик, жиной, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳукуқига эга бўлмайдилар;

адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширади.

Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда икки ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан умумий талабларни назарда тутган ҳолда Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Адвокатура институтини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Адвокатлар палатасига:

замонавий талаблар, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини кайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Адвокатлар палатаси ҳузурида малакали юридик ёрдам кўрсатиш стандартлари ва бошқа адвокатлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқиши, Адвокатлар касб этикаси қоидаларини қўллаш бўйича Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари, барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган тушунтиришлар бериш, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг юксак стандартларини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиган Этика комиссиясини тузиш;

адвокатура тизимида иш стажига кўра малака комиссияларининг хулосалари асосида Адвокатлар палатаси раиси томонидан бериладиган адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этиш;

Адвокатлар палатаси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги, шу жумладан унинг молиявий-иктисодий фаолияти шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат хисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равища белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, учинчи шахсларнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўймайдиган янгилangan тартиб ва мезонларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан келишган ҳолда уч ой муддатда:

адвокатлик мақомини олиш учун малака имтиҳони жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан зарур хужжатларни онлайн тартибда топшириш имкониятидан фойдаланиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини Интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш;

адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатишни (*pro bono*) ривожлантириш;

адвокатлар томонидан ўз ишонч билдирувчилари (ҳимоя остидагилари)га сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун хорижий давлатлар органларига сўров юбориш механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-хукуқий хужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шарт;

Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш хукуқига эга;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви фақат тегишли малака комиссиялари ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатилиши мумкин.

8. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари адвокатлик фаолиятига ҳар қандай шаклларда, шу жумладан ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс билан учрашиш хукуқини чеклаш орқали тўскинлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбор мансабдор шахсларга, аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларига энг қатъий жавобгарлик чораларини кўрган ҳолда адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни хукуқий таъминлаш ва хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишида уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жиноий ва маъмурий иш юритиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилишда жисмоний ва юридик шахслар ҳимояга бўлган хукуқларининг бузилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

адвокатларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан кўриб чиқсан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимояга бўлган хукуқларини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. Мирзиёев



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил “12” майдаги ПФ-544-сон Фармонига  
илова

**Адвокатура институтини янада тacomиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Адвокатлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тacomиллаштириш</b>				
1.	<p>“Адвокатура тўғрисида”ги“ Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чикиш, унда:</p> <p>адвокатлик фаолияти билан шугулланиш хукукини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддатини олти ойдан уч ойгача қисқартириш;</p> <p>давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахсларни мажбурий стажировка ўташдан озод қилиш;</p> <p>адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини тақороран топшириш муддатини бир йилдан олти ойгача қисқартириш;</p> <p>адвокатларнинг ҳакамлик судьяси сифатида иштирок этиши, шунингдек низоларни судгача ҳал қилиш ва тарафларни яраштиришга қаратилган хукуқларини кенгайтириш;</p> <p>ҳар бир танланган ихтисослик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатиш;</p> <p>лицензиянинг амал қилишини тугатишга асос бўладиган лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддатини уч ойдан олти ойга узайтириш;</p> <p>Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш хукукини бериш;</p> <p>адвокатлик бюросини таъсис этган адвокатларнинг ўз фаолиятини мулк хукуки асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзига тегишли бўлган турар-жойларда ушбу турар-жойларни нотурар жой тоифасига ўтказмасдан амалга ошириш хукуки;</p> <p>адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;</p> <p>адвокатга нисбатан интизомий чоралар қўллаш муддатларини аниқ белгилаш;</p> <p>лицензиянинг амал қилишини Олий малака комиссияси холосаси асосида</p>	Қонун лойиҳаси	2018 йил июль	Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаатига бўйича фақат суд тартибида тугатиш; адвокатларга нисбатан интизомий ишни фақат тегишли малака комиссияси ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатишни кўзда тутиш.			
2.	“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197- <sup>1</sup> -моддасини бузганлик учун айбдор мансабдор шахсларни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузмасдан адвокатнинг тўғридан-тўғри судга қилган мурожаати асосида маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутиш.	Қонун лойиҳаси	2018 йил июль	Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, ДСИ, Адвокатлар палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда: адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адлия органига тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш; Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори loyiҳasi	2018 йил июнь	Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналаридаги ички тартиб қоидалари нормаларини қайтадан кўриб чиқиш, бунда: адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видео кузатув курилмалари бўлмаган маҳсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминлаш, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг сухбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имкониятини сақлаб қолишини; ҳимоя остидаги шахслар билан учрашиши жараёнида адвокатлар томонидан электрон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланиш имкониятини; адвокатлар томонидан ўз ҳимоя остидаги шахс билан учрашиш учун адвокатлик гувоҳномаси ва муайян ишни юритиш учун ордердан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилиш талабини бекор қилишини назарда тутиш.	Ички ишлар вазирининг буйруғи	2018 йил июль	ИИВ, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси
5.	Судлар, суд процесслири ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани (рўйхат рақами 2981, 2018 йил 15 март) қайта кўриб чиқиш, бунда адвокатга Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 19-моддасига қавтий риоя этган ҳолда ўз профессионал фаолияти билан шугулланиши учун суд биносига компьютер, мобил телефон ва бошқа коммуникация ускуналарини эркин олиб киришга ҳуқуқ беришни назарда тутиш, ёпик суд мажлислари бундан мустасно.	Олий суд ва ИИВ қарори	2018 йил июль	Олий суд, ИИВ, Адлия вазирлиги

**II. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний  
манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш**

6.	<p>Адвокатлар, суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида Адвокатларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашувчи комиссия ташкил этиш, комиссия зиммасига:</p> <p>адвокатларнинг қонун ҳужжатларда назарда тутилган хукуқ ва ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш;</p> <p>фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўrsatiшда адвокатларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг мансабдор шахслари томонидан бузилиши ҳолатлари бўйича ариза ва шикоятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва умумлаштириш;</p> <p>хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда фуқаролик ва иқтисодий низоларда, жиноят ва маъмурий иш юритувида жисмоний ва юридик шахслар хукуқларининг бузилишига йўл қўyётган мансабдор шахсларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш;</p> <p>ўз йиғилишларида адвокатларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан кўриб чиқиш вазифасини юклаш.</p>	Адвокатлар палатаси бошқаруви қарори	2018 йил июнь	Адвокатлар палатаси, Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	<p>Адвокат томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўrsatiш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, унда:</p> <p>Жиноят ишида ҳимоячи сифатида Жиноят процессуал кодексининг 52-моддасида назарда тутилган тартибда иштирок этишини таъминлаш учун Адвокатлар палатаси худудий бошқармаси томонидан адвокатлик тузилмани белгилаш тартиби ва мезонларини;</p> <p>давлат ҳисобидан тайинланадиган адвокатлар томонидан бажариладиган минимал талаб ва ҳаракатлар рўйхатини назарда тутиш.</p>	Адвокатлар палатаси бошқаруви қарори	2018 йил август	Адвокатлар палатаси
8.	<p>Юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун адвокатлик тузилмалари етарли бўлмаган тегишли худудларда фуқароларнинг мурожаат қилишлари учун кулай бўлган жойлардан адвокатларга зарур бино ва иншоотлар, шунингдек, бундай бино ва иншоотларни қуриш учун ер майдонларини ажратиш.</p>	Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорлари	2018 йил август	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлеклари, Адвокатлар палатаси

9.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридандағы Халқ қабулхоналарида фуқароларга адвокатлар томонидан график асосида бепул хуқуқий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш.	Адвокатлар палатаси раиси бўйруги	Ҳар куни	Адвокатлар палатаси
10.	Суд процессига тайёргарлик кўриш учун умумий юрисдикция судлари биноларида адвокатлар учун алоҳида хона ажратиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил август	Олий суд, Адвокатлар палатаси

**III. Инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини адвокатура соҳасига жорий этиш**

11.	Адвокат мақомини олиш учун малака имтиҳонлари ўтказилиши жараёнининг шаффоғлигини таъминлаш, шу жумладан зарур хужжатларни электрон тартибда тақдим этиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини реал вакт режимида Интернет тармоғида трансляция килиш.	Адлия вазири бўйруги	2018 йил сентябрь	Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси
12.	Аҳолини қизиқтирган мезонлар бўйича (адвокатнинг ихтисослиги, адвокатлик тузилмаси жойлашган жой ва ҳоказо) адвокатларни излаш бўйича электрон сервисни яратиш.	Адвокатлар палатаси раиси бўйруги	2018 йил сентябрь	Адвокатлар палатаси
13.	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси сайтини куйидагиларни инобатга олган ҳолда модернизация қилиш: статистик ҳисботларни электрон шаклда олиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, хусусан вебинар ўтказиш йўли билан ўқитиш; on-line маслаҳат бериш; электрон кутубхонадан фойдаланиш; “Адвокат” журналини электрон кўринишида эълон қилиш; сайтни уч (ўзбек, рус ва инглиз) тилда юритиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил ноябрь	Адвокатлар палатаси
14.	Гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчига давлат ҳисобидан хуқуқий ёрдам кўрсатувчи адвокатни автоматик равишда танлаш бўйича маҳсус электрон тизимни жорий этиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 декабргача	Адвокатлар палатаси, Адлия вазирлиги
15.	Адвокатлик фаолияти билан шугулланиш хуқуқини берувчи лицензия олиш учун ариза ва бошқа хужжатларни электрон тақдим этиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил декабрь	Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Адвокатлар палатаси
16.	Адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларининг ягона электрон реестрини шакллантириш, расмийлаштирилган гувоҳномалар беришни ҳисобга олиш китобини электрон шаклда юритиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил декабрь	Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Адвокатлар палатаси

17.	Адвокатлар ишонч билдирувчи (химоя остидаги шахс) билан ўзлари учун қулай бўлган вақтда учрашиши учун аҳлоқ тузатиш ва тергов ҳибсоналарига ташриф буюриши режалаштирилгани ҳақида реал вақт режимида олдиндан хабарнома юборишлари мумкин бўлган маҳсус электрон портал яратиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил декабрь	Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, ИИВ, Адвокатлар палатаси
18.	Адвокатлар касбий малакасини жойларга чиқсан ҳолда, шу жумладан видеоконференция ўtkазиш йўли билан ошириш амалиётини жорий этиш.	Чора-тадбирлар режаси	Доимий	Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси
<b>IV. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги ролини ошириш</b>				
19.	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси карори билан адвокатура тизимидағи иш стажидан келиб чиқиб бериладиган адвокатлар малака даражаларини жорий этиш.	Адвокатлар палатаси раиси бўйруги	2018 йил июль	Адвокатлар палатаси
20.	Ҳар йили “Йилнинг энг намунали адвокати” ва “Йилнинг энг намунали адвокатлик тузилмаси” танловларини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режаси	Ҳар йили	Адвокатлар палатаси
21.	Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари рейтингларини тузиш ва очик ҳолда эълон қилиш мақсадида улар фаолиятини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш.	Адвокатлар палатаси раиси бўйруги	2018 йил октябрь	Адвокатлар палатаси
22.	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятининг очиқлигини унинг ҳисоботларини, шу жумладан молиявий ҳисоботларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ошириш.	Адвокатлар палатаси раиси бўйруги	Ҳар йили	Адвокатлар палатаси

